

ЭРКИН ВОҲИДОВ АСАРЛАРИДА РУҲИЯТ ТАСВИРИ

Shirinmoj Tўraeva

Mirzo Ulughbek nomidagi Uzbekiston Milliy Universitetning
2 bosqich talabasi

Аннотация: XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири Эркин Воҳидов ижоди ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг ижодини қамраб олган миллийлик, одамийлик, фалсафийлик, тарихийлик каби эзгу ғоялар тамойили беихтиёр китобхонни поетик мушоҳадага чорлайди. Ҳаёт ҳақиқатини мураккаблигича ва тўлиғича, зиддиятлари билан борица намоён этиш, ўткир ижтимоий масалаларини дадил кўтариб чиқиш, маънавий ва жисмоний руҳ эркинлигини бадий тасвирлаш шоир ижодиётининг асосий хусусиятларидан биридир. Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига унитилмас ҳисса қўшган атоқли шоир, таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳамда шоирнинг хотирисини абадийлаштириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Калит сўзлар: Бадий адабиёт, Э. Воҳидов асарларида руҳият тасвири, “Рухлар исёни”, соф инсоний туйғулар.

Бадий адабиёт ижодкор томонидан яратилар экан, китобхонларга таъсир этиши учун бадий тасвир воситаларидан фойдаланилади. Асарларнинг оммалашиб юқори даражада ўқилиши учун ҳам бадий тасвир воситаларнинг ўрни муҳимдир. Албатта шундай воситалар эмоционалликни оширади. Ижодкорларнинг асардаги ҳар бир детал, тасвирий воситаларнинг муҳим ўрни борки, уларни олиб ташлаш ёки ўрнига бошқа бирортасини қўйишнинг иложи йўқ. Агар шундай бўлса мазмунига путур етади. Асар бир бутун компонент ҳисобланади. Асар ўзининг талаб доираларига жавоб бериши учун ёзувчи анча савияли, ҳаётда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан қараши, уларни туб моҳиятини англашга интилиши, самимий ва соҳталиқни аниқлай олиши ҳамда анча савияли бўлмоғи керак. Ижодкор ўз фикрини ёритар экан, ўзининг ўй-хаёлларидан келиб чиқиб ёндашади яъни ҳар бир ижодкор ўз сўзини айтади. Асар тасвирланганда уни бадий тасвир воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Бадий тасвир воситалари ижодкорнинг ёзган ижод маҳсулигина бўлиб қолмай, балки инсон руҳиятини очишнинг ҳам бир кўринишидир. Бу кўринишлар орқали биз уни нима демоқчи эканлигини, ёки асар қаҳрамонининг қандай ҳолатда эканлигини биламиз ва ҳис қиламиз. Шунингдек, асарда қаҳрамонларнинг кечинмалари ижодкор томонидан бўрттирилиб ифодаланади. Бундай пайтда унинг руҳий ҳолати оғир эканлиги, вазияти қийин ҳамда машаққатли ёки аксинча эканлигидан дарак беради. “Асардаги ҳар бир детал, эпизод, воқеа, манзара ва образ тасвири воситалари ижодкорнинг ғоявий-бадий ниятига хизмат қилади. Асарда айниқса деталлар муҳим аҳамият касб этади. Деталлар асарларнинг кейини нима бўлишини, воқеалар ривожини шаклланиши ва бир-бирини боғлашга хизмат қилади.”

Шунингдек, XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири Эркин Воҳидов ижоди ўзига хослиги, кўп қирралиги ва руҳиятнинг тасвирини тўлиқ акс эттириши билан ажралиб туради. Халқимизнинг сеvimли фарзанди Эркин Воҳидов одамларга фақат шеърининг эмас, балки ўзи ҳам кераклигини чуқур ҳис этиши туйғуси билан яшади. У соддадил, меҳнатсевар, болажон халқини севиш билан бирга унинг кўзини очиш, эришилган ғалабани асраб қолишдан иборат эканлигини амалда исботлаб, истиқлол

шеърятини одамлар йўлини ёритувчи машъалага айлантирди. Бунинг учун ҳаракат қилди, яшади, қуйлади, фахр айлади. Дарҳақиқат, Эркин Воҳидовнинг руҳиятида инсонларнинг, жамиятнинг айтайлик қалбнинг ҳарорати сезилиб туради. Адибнинг 1978-1979 йилларда яратилган “Рухлар исёни” достони халқнинг миллий ор-номуси, миллий ифтихор туйғуси, одамларнинг ўзига ишончи, қатъиятлиги ҳамда миллий ғурурининг юксалишига чорлади ва уларнинг зулматдан кейинги ёруғ кунлар келишига ишонтириб, руҳиятини ишончли кураш йўлига ундади. Эркин Воҳидов айтиб ўтганларидек шоирлик, фидойилик, эрк ташналиги, ҳақидаги асар бўлмиш “Рухлар исёни” достони оташқалб бенгал шоири Нарзул Ислоннинг ана шундай ҳайқириқлари ҳақида эди... Достондаги ўзбек миллатининг минг йиллик урф-одатлари, миллий кадриятлари, илм-у урфоннинг топталиши, йўқ қилиниши, маърифатпарварларни халқ душмани сифатида қатл қилиниши, сўз эркинлигининг йўқлиги, шоирни миллат руҳиятини акс эттиришга туртки бўлди. Шу билан бир қаторда достондаги шоир Назрул Ислон тушқунликка тушмасдан она юрти ва ўз халқи озодликка эришишида руҳан ишонади, мана шу умид унга катта куч бағишлайди:

Сўйла инсон,
 Сўйла қаддинг
 Кўтариб баланд
 Юксакликда сенинг қадринг
 Ҳимолай монанд.
 Сўйла,
 Сенинг пойингдадир
 Бу улуг замин
 Сўйла отиб золим аср,
 Дард-у аламин.
 Сен ўтмишни супургувчи
 Кучли бўронсан,
 Осмонларга от сургувчи
 Соҳибқиронсан...

Шунингдек, Эркин Воҳидов асардаги ушбу парчада ҳайқириқ ва нидонинг бевосита инсон руҳиятининг исёни тарзда намоён этади. Унинг буюк ишлар қила олиши, қадри, қадди ҳам Ҳимолайга монанд қилиниши яъни инсонни руҳиятининг юксаклиги, халқнинг бўронга ўхшатилиши ҳамда осмонларга от сургувчи Соҳибқиронга ўхшатилиши ҳам бекор эмас. Чунки достондаги яна бир парчада “Бу дунёда энг катта ғалаён бу халқ ғалаёнидир” деган ўхшатишда биз инсоннинг яъни халқнинг руҳияти, кайфияти жамиятнинг барпо этилишида муҳимлиги таъкидланганлигини гувоҳи бўламиз.

Ва ниҳоят, достоннинг сўнгги фаслида эрксевар шоирнинг ва ҳинд халқининг орзуси рўёбга чиққанлиги тарраннум этилади. Кўриниб турибдики, асарда инсон тафаккурининг руҳият билан боғлиқ ички кечинмалари воқеаликнинг акс эттирилиши алоҳида ўрин касб этади. Эркин Воҳидов эса ана шундай руҳиятни маромига етказиб, инсоннинг қалбига таъсир қила оладиган даражада тасвирлагани учун ҳам руҳият устаси сифатида бир ёшлар онгида гавдаланади. Биринчидан, ўз она халқига, Ватанига чинакам меҳр қўймаган ижодкор ҳар қанча истеъдодга эга бўлмасин бундай мавқега эриша олмайди. Меҳр-муҳаббати кучли, садоқати беқиёс бўлганлиги туфайли Эркин Воҳидов халқимизнинг чиндан ҳам ниҳоятда суюкли шоири бўлиб қолди. Шоири ўзбек шеърятига янгича шукуҳ олиб кирди ва унинг тамоман янгиланишига ўзининг муносиб хиссасини қўшди. Шоирнинг шеърлари руҳимизга кўтаринкилик, меҳр-муҳаббат, сокинлик, куч-ғайрат бағишлайди. Демак, ана шундай ижодкорни севмасликни,

асарларини ўқимасликнинг иложи йўқ. Ёш авлодни маънавий етук ва баркамол шахс сифатида тарбиялашда ҳам шоирнинг ўлмас мероси жуда катта қимматли манба сифатида хизмат қилади...

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эркин Воҳидов. Танланган асарлари. – Т., Шарқ, 2018 – 31 бет
2. Интернет материаллари
3. Эркин Воҳидов “Рухлар исёни” – 1980
4. Солижонов Й. Рухиятни ёритган шеърят.// Шарқ юлдузи, 2013, №2